ТУРФОНДАН ТОПИЛГАН РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР: МАТН ВА УНИНГ ТАЛҚИНИ

Қ.Содиқов

В статье представлено текстологическое описание официальных документов, обнаруженных в городе Турфан, расположенном в Синзянском автономном округе КНР.

The article contains interesting textological description of official documents found in the provincial town of Turfan, situated in the Sintzyan autonomous county of China.

Ўтган асрнинг бошларида Турфон харобаларидан топилган ёзма ёдгорликларнинг муайян бўлаги IX-XII асрларга тегишли расмий ҳужжатлардир. Муҳим қирраси, ушбу расмий битиглар хонларнинг ёрлиқлари ёки юрт эгаларининг ўзаро ёзишмалари, дипломатик ҳужжатлар эмас. Улар йирик ер эгалари, бойлар, деҳқонлар, оддий кишиларнинг олди-бердиси, хўжаликнинг кирим-чиқими, кимгадир сотилган ер ҳужжати, ижарага олинган ер учун ёзилган тилхатлар, қарзга олинган дондунни, матони эвази билан қайтариш тўғрисидаги васиқалар, қулларнинг ўз беклари устидан ёзган шикоятлари ёки йирик бойларнинг ўз қулига берган эрк ҳужжатларидир. Ушбу ҳужжатлар жамият ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлар тарихини ўзида яхши акс эттирган.

Эски, сарғайиб кетган қоғозлардаги битигларнинг ҳаммаси ҳам яхши сақланган эмас; кўпи чириб, матн бўлаклари узилиб тушган; айримлари кичик узиндилар. Уларнинг ичида матни узуқ-юлуқ сақланганлари ҳам анча, орада айрим жойларини ўқиб маъно чиқариш қийин. Шундай эса-да, сиёҳи ҳануз тиниқ.

Ҳужжатлар туркий тилда бўлиб, давлат ишларида унинг мавқеи юқори эканини билдиради. Улар эски уйғур хатида битилган. Қадимги турк ҳужжатчилигида расмий ишларни юритиш учун бир пайтнинг ўзида уйғур ёзувининг икки-уч хил хат услуби қўлланилган: расмий ёзмаларни битишда кенг ёйилган турларидан бири – жўн, курсивли, югурук хат; бошқа бири – диний-фалсафий матнларда учрайдиган классик хат туридир. Баъзи ҳужжатлар тартибли, чиройли хатда, айриминг эса шошиб ёзилгани билиниб туради.

Таъкидламоқ ўринлики, ушбу битиглар туркий ҳужжатчиликнинг илк намуналари эмас. Улар, Қўчу давлати замонидан қолган (айрим ҳужжатларда ***Қўчу*** номининг берилганлиги ҳам шуни кўрсатади). Ваҳоланки, туркий ҳужжатчилик бундан-да эски замонларга бориб тақалади. Шундай эса-да, улар ҳужжатчиликнинг нодир намуналари бўлиб, туркий расмий услубнинг юзага келиши ва тарихий тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Битиглар ҳужжатчиликнинг барча талабларига жавоб беради: тузилиши пухта; матн компонентлари ўзаро уйғун; матн услуби, терминлар тизими юксак босқичда. Қадимги туркий ҳужжатчилик узоқ услубий тараққиёт босқичини босиб ўтганидан далолат беради.

Маълумки, ўрта аср жамиятида, давлат сиёсатида кишилар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари чуқур ишлаб чиқилган эди. Қандай бўлишидан қатъи назар, кишининг ҳақ-ҳуқуқини белгиловчи ишлар, олди-берди, давлат идоралари ва хўжаликдаги кирим-чиқимлар расмийлаштирилган, улар ҳужжатларда қайд этиб қўйилган. Иш юритишдаги ушбу ҳуқуқий талаблар, ўз навбатида, кишилар ўртасида ҳуқуқий саводхонликнинг ўсиши, қолаверса, ёзма адабий тил, хусусан, туркий расмий услубнинг такомилига ҳам йўл очди.

Турфон ҳужжатларининг муайян қисми немис, рус, уйғур олимлари томонидан чоп эттирилган. Берлин Академиясининг қўлёзмалар фондида сақланаётган Турфондан топиб келтирилган ҳужжатларнинг кўпи ҳозирги кезда интернет сайтларига ҳам киритилган. Бироқ, уларнинг ўқилиши, матн интерпретацияси масаласида ҳали тортишувли ўринлар бор.

Қуйида Турфондан топилган, ҳозирда Санкт-Петербург Шарқшунослик институти ҳамда Берлин фондларида сақланаётган ҳужжатлардан бир нечтасининг матнини келтирамиз. Ҳужжатларни нашрга тайёрлашда уларнинг веб-сайт саҳифаларида ва илмий нашрларда берилган фотонусхаларига таянилди.

1

Қўлуди отли қулнинг ўз беги устидан юқори амалдорларга ёзган шикоят хати, ўтинч битиги. Асл матнда у *ötüg* деб аталган. Ҳужжатни С.Е. Малов 1913 йили Урумчида бир зиёлидан олган ҳамда фотонусхаси, уйғурча терма ҳарфи, транс-

крипцияси ва русча таржимаси билан чоп эттирган (Малов 1951,200–204).

Матн 36 қатор. Хатни қулнинг ўзи ёзган бўлиши керак. Сабаби, матнда у ўз ёшлигида хат-савод ўрганиб, диний билимларни эгаллагани тўғрисида маълумот беради. Хатининг тартибли, чиройли, шу билан бирга, балоғат даражасида ёзилганига қараганда, Қўлуди анча билимли киши ўтган.

Матннинг илк сатри (*Buyančï beglärim qutïŋa*) бошқаларидан ажратиб, 2–4- қаторлар (*muŋ ötüglüg Qoludï / (...)üŋ ötügüm / teginür-men. Bintüŋ*) сатр бошидан анча ичкари олиб битилган.

17- қатор бошидаги *elkä-qanqa*, 32- қатор бошидаги *el qan* сўзларидаги *el* матндан бир оз чиқариб ёзилган. Ўша жумлага эътиборни кўпроқ қаратиш учун шундай йўл тутилган бўлуви керак.

Аризачининг шикоят хати бўлгани учун девонхона ёки бирон расмий кишининг муҳри босилмаган. Яна бир жиҳати, ҳужжатда унинг ёзилган санаси (тарихи) берилган эмас.

Матн транскрипцияси:

(1) Buyančï beglärim qutïŋa,
(2) muŋ ötüglüg Qoludï
(3) (...)üŋ ötügüm
(4) teginür-men. Bintüŋ
(5) ataynïŋ ewintin ünärtä išin-küčin
(6) bütürü umadïn ünmiš ermäs. Kičigimtä
(7) bitig, üžik, nom, boqšut ögränmiš üčün
(8) netäg ersär toyïn bolup, toyïn törüsintä
(9) yorïğaymu men saqïnïp. Tigüy tayšï bašlap
(10) qïtay tayšïlarqa keŋäšär-men. Tigüy tayšï
(11) ma taqï özgä kišilär, ma yulup alayïn,
(12) boš qïlayïn tesär, bu begim: Men yulup alayïn,
(13) seŋä burunča boš bitig beräyin, tep,
(14) küwäŋ miŋiŋ üskintä men bar erkinčä
(15) meŋä tapïnïp yorïsun. Munta soŋ qalsar,
(16) tört yolï boš bolup, köŋülinčä toyïn bolup,
(17) elkä-qanqa buyan alqïš berip yorïsun, tep,
(18) miŋ beginiŋ tamğasïn qaqïp, meŋä boš
(19) bitig berip, anta soŋ meni yulup alïp
(20) boš bitig ma qulup aldï erdi. Soŋ
(21) yorïyu mendäki boš ïdmïš bitigni begim:
(22) Meŋä bergil, men yïqayïn, yoq qïlğay-sen, tesär,
(23) ol bitigni ma begimkä berdim. Amtï
(24) ol bitiglärni begim yaman qayuta qodup,
(25) unïtdï. Kišikä-mü alsïqdï? Meni alyuq-
(26) sen, tep, inč qïlmadïn turur. Men küčüm yetmiš-
(27) inčä iš-küč qïlïp, tapïnïp, yazmïšïm yoq.
(28) Begim ma meŋä yawuz-yaman qïlïnmïšï yoq.
(29) Nekü iškä oğrïlar-men, anïndïn berü nekü
(30) ma temiši yoq erdi. Yana bir qul alğalï
(31) meni bilä keŋiläšip turur,
(32) el-qan atïŋa toyïn bolup buyan bersün tep.
(33) Üžik, boš bitig berip meni aldï erdi,
(34) yanturu satqalï almadï erdi. Amtï satar-men,
(35) tep ermiš. Beglärim buyanlayu tsuyurqayu
(36) yarlïqasar, köŋülgärü uqa yarlïqasunlar.

И з о ҳ л а р:

1–6- қаторлар: Қўлёзмада *Qoludï* сўзидан кейин 3-қатор бошидаги сўз ўрни йиртилган ва ундан *(...)üŋ* қўшимчаси қолган, холос. С.Е. Малов ушбу сўзни *Bintüŋ* деб ўқиб, шикоят аризасини ёзувчи қулнинг отини *Qoludï Bintüŋ* деб тушунган. Бундан ташқари, биринчи жумлани *Buyančï beglärim qutïŋa muŋ ötüglüg Qoludï Bintüŋ ötügüm teginür*; шундан кейинги *men* ни кишилик олмоши сифатида олиб, кейинги жумлага қўшиб юборади (*Men, Bintüŋ,* ...). У ушбу икки жумлани рус тилига қуйидагича ўгирган: “Блаженству моих преподобных начальников представляется просьба моя – Колуды Бинтунга, нижайшего просителя. Когда я, Бинтунг, хотел выйти из родительского дома, то не мог (как следует) справиться с (возлагаемой на меня) работой и не вышел” (Малов 1951,203). Аслида, *Qoludï* сўзидан кейинги *(...)üŋ – Bintüŋ* эмас, у кейинги *ötüg* (“ариза; шикоят хати”) сўзининг сифати бўлуви керак. Яна бир белгиси: матндаги *men* ни кишилик олмоши эмас, шахс-сон қўшимчаси сифатида олингани маъқул, у ўзидан олдинги *teginür* феълига тааллуқли. Сабаби, ундан олдинги сўз биринчи шахс, эгалик қўшимчаси билан, белгисиз тушум келишигида келган (*ötügüm teginür-men* – “аризамни етказяпман”). Шундай йўл тутилганда, кейинги гап *Bintüŋ* сўзи билан бошланади ва матн мазмунига кўра у шикоят ёзаётган қулнинг эмас, балки бекнинг оти бўлиб чиқади. Бундан кейинги *atay* ни С.Е.Малов “родитель” деб тушунган; *ataynïŋ ewintin ünärtä* бирикмасини эса, “хотел выйти из родительского дома” деб ўгирган. Бизнингча, *Atay* бегнинг оти, у *Bintüŋ Atay* дейилган. Бундай дейишимизга яна бир сабаб, матн давомида бекнинг оти бошқа ўринда эсланмайди, аризачи уни *begim* дея тилга олади. Шунда *Bintüŋ Ataynïŋ ewintin ünärtä* жумласини “Бинтунг Атайнинг уйидан чиқар чоғда, яъни озод бўлар чоғимда” деб талқин қиламиз. Чунки бу ерда шикоятчи, С.Е.Малов талқин қилаётганидек, ўз ёшлиги, ота уйидаги ҳаёти тўғрисида сўзлаётгани йўқ. Аксинча, унинг шикоят қилишига сабаб бўлган воқеани асослаб бермоқда.

2- қаторда: *muŋ ötüglüg* – қайғу билан ёлборувчи; ўтинувчи; илтимос қилувчи.

3- қаторда: *ötüg* – ҳужжатчиликка тегишли атама, ариза; илтимоснома.

7-, 33- қаторларда: *üžik* – “ҳарф; ёзув”.

9-, 10- қаторларда: *tayšï* (<*хитой. dai-ši*) – улуғ устоз; муаллим; ўқимишли киши (*қаралсин:* ДТС,528).

13-, 18-, 20-, 33- қаторларда: *boš bitig* – эрк ҳужжати; эркинлик ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

18- қаторда: *miŋ begi* – юқори лавозим; ҳужжатларга, одатда, минг бегининг тамғаси босилгандан кейин у расмий тус олган.

25- қаторда: *alsïq-* “ўғрилатиб қўймоқ; олдириб қўймоқ”; *kišikä-mü alsïqdï* – “бирор кимсага олдириб қўйдими?” дегани.

35- қаторда: *buyanla-* “ҳиммат кўрсатмоқ; саҳоватли бўлмоқ”.

35- қаторда: *tsuyurqa-*: *tsu* (<*хитой. dzi* – “она меҳри” сўзидан) – раҳм-шафқат қилиб (*қаралсин:* ДТС,583).

35-36- қаторларда: С.Е. Малов ҳужжатнинг якуний жумласини *Bäg-lärim buyan-layu tsuyurqayu yarlïqasar, köŋül kärü uqa yarlïqaz-unlar* шаклида ўқиб, рус тилига “Пусть мои начальники, милостиво и благостно расширяя своё милостивое сердце, пусть соизволят (распоряжением по этой моей просьбе” дея таржима қилган (Малов 1951,203–204). Бу ўринда *köŋül kärü* (русча талқинда – ибора: “расширяя своё милостивое сердце”) ни *köŋülgärü* деб ўқилгани тўғрироқ; шунда “кўнгилга” деган маъно англашилади. Жумлада кечган *uqa* – равиш бўлиб, “мос, мувофиқ ҳолда” маъносида тушунилади; *köŋülgärü uqa yarlïqasunlar* – “кўнгилга мос ҳолда ёрлақасинлар; уларнинг буйруғи кўнгилга таскин бағишласин” деган мазмундаги тилакни англатади.

Мазмуни:

(1) Марҳаматли бегларим қудратига (таъзим қиламан),

(2) қайғу билан ўтинувчи Қўлуди

(3) ...унг арзимни

(4) етказаман. Бинтунг

(5) Атайнинг уйидан (эркинликка) чиқар чоғда, хизматини

(6) бажара олмай, чиқа олмадим. Кичиклигимда

(7) хат-савод эгаллаганим, муқаддас китобларни ўрганганим учун

(8) қандай қилса, роҳиб бўлиб, роҳиблик даражасида

(9) юрар эканман, деб ўйлаб, Тигуй тайшидан бошлаб

(10) хитой тайшиларига қадар (ҳаммаси билан) кенгашганимда, Тигуй тайши

(11) ҳамда яна ўзга кишилар ҳам “сени қутқариб оламиз,

(12) эркинлик берамиз”, деганларида бу бегим: “Сени мен қутқараман,

(13) улардан бурун эрк ҳужжатини бераман, деб.

(14) менинг қўл остимда, менинг тириклигимда,

(15) менга топиниб юрсин. Бу ерда яна қолса,

(16) тўрт йўла эркин бўлиб, кўнгли истаганча роҳиб бўлиб,

(17) юртга-хонга савобли ишлар қилиб юрсин, деб,

(18) минг бегининг тамғасини бостириб, менга эркинлик

(19) ҳужжатини бериб, шундан сўнг мени ажратиб олиб

(20) эркинлик ҳужжатини ҳам сўраб олган эди. Сўнг

(21) юра-юра мендаги эркинлик берувчи ҳужжатни бегим:

(22) “Менга бергил, мен (уни) сақлай, (сен уни) йўқотиб қўясан”, деганида,

(23) ўша ҳужжатни ҳам бегимга бердим. Энди

(24) бегим ўша ҳужжатларни қаровсиз жойга қўйиб,

(25) йўқотди. Бирор кимсага олдириб қўйдими? Мени “олган-

(26) сан”, деб, тинчлик бермаяпти. Мен кучим етган-

(27) ича хизматини қилиб, топиниб (келдим), гуноҳим йўқ.

(28) Бегимнинг ҳам менга ёвузлиги йўқ.

(29) Қандай ишга киришган бўлсам, ўшандан бери бирор

(30) нарса демаган эди. Яна бир қул олиш учун

(31) мен билан кенгашиб турибди,

(32) роҳиб бўлиб, юрт-хон номига савоб ишлар қилсин деб.

(33) Хат, эркинлик ҳужжатини бериб мени (ишга) олган эди,

(34) қайта сотиш учун олмаган эди. Энди “сотаман”,

(35) деяпти. Бегларим раҳм-шафқат қилиб

(36) ёрлақасалар, кўнгилга мос ҳолда ёрлақасинлар [яъни уларнинг буйруғи кўнгилга таскин бағишласин].

2

Эллик тош бўз эвазига қулни алмаштирилганлик тўғрисидаги ҳужжат. Берлин фондида T.M.95 (U 5235) кўрсаткичи остида сақланмоқда (*нашрига қаралсин:* QUV,203–206).

Матн 33 қатор, ёзуви тартибли, югурук хат. Қоғози бироз чириб, айрим ўринлари узилиб тушган, лекин матнни ўқиб, маъно чиқариш мумкин.

Ҳужжатга беш ўринда – 1-, 11–12-, 23-, 28-

қаторларнинг устига, сўнгги 33-қаторда матн тугагандан кейин тўрт бурчакли нишон-тамға урилган.

Матн транскрипцияси:

1) Toŋuz yïl, ikinti ay, üč yaŋïqa
2) meŋä, Quğdamunï Tamuyqa yuŋlaq-
3) lïğ böz kergäk bolup Alpïš-
4) tïn elik taš böz eligtä
5) alïp, özümniŋ Yuŋčï atlïğ
6) on üč yašar er ulannï
7) Alpïšqa toğu tomlïdu satdïm.
8) Eligtä alïp, bu bitigni
9) qïlmïš kün üzä men Alpïš
10) tügäl sanap berdim, men Quğdamunï
11) yämä tügäl sanap aldïm. Bir eksüg-
12) süz bu Yuŋčïqa miŋ yïl, tümän
13) künkä tegi Alpïš egälik bolsun.
14) Taplasar, özi tutsun, taplamasar,
15) adïn kišikä ötkürü satsun.
16) Bu Yuŋčïnïŋ soŋ bayan
17) oğrïsï, yalğanï bolsa, tewi qasa-
18) sï bolsa, onluqï-yüsrüki bolup
19) čam čarïm qïlsar, men Quğdamunï
20) bilir-men, Alpïš bilmäs. Kim-kim
21) nämä bolup, čam čarïm qïlsar,
22) uluğ süükä aq yastuq, beg
23) lärka edärkä yarağu at
24) berip, sözlari yorïmasun.
25) Bu nišan-tamğa men Quğdamunï-
26) nïŋ-ol. Tanuq – Ötgäk; tanuq – Elči Buqa;
27) tanuq – Tüštemür. Bu nišan men, tanuq
28) Ötgäkniŋ-ol.
29) Bu nišan men, tanuq Elči Buqanïŋ-ol.
30) Bu nišan men, tanuq Tüštemürnïŋ-ol.
31) Bu nišan men, Toğan Tuğdïğannïŋ-ol.
32) Men Šila Quqdamunïqa inčkä aytïp
33) bitidim.

И з о ҳ:

6- қаторда: уйғурча нашрда *er ulannï* – “ўғлумни” дея талқин этилган (*қаралсин:* QUV,204). Бу ўринда *er ulan* – “ўғил” эмас, “қул”ни англатади (фикрнинг тасдиғи учун Кўни Қуз отли хўжайиннинг Бурхан Қули отли қулига берган эрк ҳужжатининг 5–6- қаторларига қаралсин). Шунга кўра, “бўзнинг эвазига ўн уч яшар ўғлимни” эмас, “ўн уч яшар қулимни алмашдим” деган мазмун келиб чиқади.

Мазмуни:

1) Тўнғиз йили, иккинчи ойнинг учинчи куни
2) менга, Қуғдамуни Тамуйга ишлатиш учун
3) бўз керак бўлиб Алпиш-
4) дан эллик тош бўзни қўлимга
5) олиб, (эвазига) ўзимнинг Юнгчи отли
6) ўн уч яшар қулимни
7) Алпишга келишилган ҳолда сотдим.
8) (Юнгчини) ўзимга олиб, бу ҳужжат
9) битилган кун мен, Алпиш
10) (бўзни) тугал санаб бердим, мен Қуғдамуни
11) ҳам (уни) тугал санаб олдим. Ҳеч бир қаршиликсиз,
12) бу Юнгчига минг йил, туман
13) кунга қадар Алпиш эгалик қилсин.
14) Истаса, ўзи тутсин [яъни ишлатсин], истамаса,
15) ўзга кишига ўтказиб сотсин.
16) Бу Юнгчининг бунингдан буён
17) ўғриси-ёлғони бўлса, суиқасд қилса, бирон воқеа содир
18) этса, яқинлари чиқиб
19) даъво қилса, мен Қуғдамуни
20) жавобгар бўламан, Алпиш жавоб бермайди. Кимда-ким
21) бирон нарса бўлиб жанжал-можаро қилгудек бўлса,
22) хон қўшинига оқ [яъни кумуш] ястуқ, бег-
23) ларга ишлатишга ярайдиган от
24) бериб, сўзлари икки бўлмасин.
25) Бу нишон-тамға мен Қуғдамуни-
26) никидир. Гувоҳ – Ўтгак; гувоҳ Элчи Буқа;
27) гувоҳ – Туштемур. Бу нишон мен, гувоҳ
28) Ўтканникидир.
29) Бу нишон мен, гувоҳ Элчи Буқаникидир.
30) Бу нишон мен, гувоҳ Туштемурникидир.
31) Бу нишон мен, Тўған Туғдиғанникидир.
32) Мен Шила Қуғдамунидан аниқ сўраб [яъни унинг айтганлари бўйича]
33) ёздим.

3

Қайимтудан тариқ (*yür*) олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат. Ҳозирда Берлин фондида T.M.83 (U 5254) рақами остида сақланмоқда. Матн 14 қатор. Хати жўн. Қоғозининг тевараги, орадаги айрим ерлари титилиб кетган. Баъзи ҳарфлари ҳам чириб тушган. Ҳужжатни юқоридаги сингари Қайимтунинг ўзи эмас, балки Мисир отли расмий киши битган.

Қайимту туздирган бошқа ҳужжатлар сингари бу ҳужжатни расмийлаштиришда ҳам Темур билан Сенга гувоҳлар сифатида қатнашган (*қаралсин:* QUV,273–274).

Матн транскрипцияси:

1) Qoyn yïl ikinti ay beš yaŋïqa-
2) qa meŋä – Toŋamaqa tüškä yür
3) kergäk bolup, Qayïmtudïn bir
4) sïq yür aldïm. Küz yaŋïda
5) bir yarïm sïq yür köni berür-
6) men. Bermädin, kečürsär-men, el yaŋïn-
7) ča tüši bilä köni bersün-
8) lär. Berginčä bar-yoq bolsar-

9) men inim Barčaqï anï tegilär
10) bilä köni bersünlär. Tanuq –
11) Temür; tanuq – Seŋä. Bu nišan
12) men - Toŋamanïŋ-ol. Men Mïsïr
13) šila Toŋama(qa) ayïtïp
14) bitidim.

И з о ҳ л а р:

2-қаторда: *tüš* – “фойда; фоизи билан” деган маънони англатади; *tüškä* – “экиб, фойда олиш учун” дегани.

4–5-қаторларда: *sïq* – ўлчов бирлиги, буғдой, тариқ сингари дон-дунга нисбатан ишлатилган.

4–5-қаторларда: *yür* – дон, тариқ (*қаралсин:* ДТС,286). Ёдгорликларда *tarïğ* сўзи ҳам бор, у “буғдой”ни билдиради; шундан ясалган *tarïğčï* – “буғдой етиштирувчи”, *tarïğlağ* – “буғдойзор” дегани; *yür* эса биздаги “тариқ”қа тўғри келади.

6-қаторда: *el yaŋï* – эл қоидаси, давлат қонуни.

12–13-қаторда: *Mïsïr šila* – киши оти; *šila (<санскр. sila)* – унвон бўлиб, киши отларига қўшиб айтилган.

Мазмуни:

1) Қўй йили, иккинчи ойининг бешинчи кунида
2) менга – Тўнгамага экиб фойда кўриш учун тариқ
3) керак бўлиб, Қайимтудан бир
4) сиқ тариқ олдим. Кузнинг бошида
5) бир ярим сиқ тариғ қилиб қайтараман.
6) Бермай, кечиктирсам, эл қоидаси бўйича
7) ошиғи билан берсин-
8) лар. Бергунча бор-йўқ бўлсам [борман-йўқман],
9) иним Барчақи уни укалари
10) билан қайтарсинлар. Гувоҳ –
11) Темур; гувоҳ – Сенга. Бу нишон
12) мен – Тўнгаманикидир. Мен Мисир
13) шила Тўнгамага айтиб [Тўнгаманинг оғзидан эшитганим бўйича]
14) ёздим.

4

Кўни Қуз отли хўжайиннинг Бурхан Қули отли қулига берган эрк ҳужжати. Матн 21 қатор. Хати равон, тартибли. Матннинг тўрт жойига – 1–2- қаторларнинг бошланиши, 6–7- қаторларда ичкарироққа, 11–12- қаторларда ўртага, 20–21- қаторларда охирроққа саккиз бурчакли тамға урилган (*қаралсин:* QUV,312–315,444).

Матн транскрипцияси:

(1) Taqïğü yïl, üčünč ay, iki yaŋïqa men
(2) Köni Quz ağïr igkä tegip, ölüp yïtïp
(3) barğay-men tep, Šïŋuy tutuŋ begkä,
(4) küdägüm Likäkä keŋäšip aytïšïp,
(5) Gäŋsidä tuğmïš Burxan Qulï atlïğ
(6) oğulanqa ögkä qaŋqa buyanï
(7) tegsün tep boš bitig berdim.
(8) Bu küntä mïnča Burxan Qulïnïŋ ya
(9) örü tağqa, qudï quumqa barsar,
(10) öz köŋülinčä buyan berip yorïsun.
(11) Meniŋ qatïnlarïm, Tirig Eltmišä bašlap
(12) ewdäki qatïnlarïm, meniŋ tuğmïšlarïm-
(13) kim, yemä čamlamasunlar. Čamlasarlar, ya
(14) ičkärü ağïlïqqa bir altun yastuq, ya
(15) Quču beginkä bir at, balïq beginkä bir
(16) ud berip, ağïr qïy(ï)nqa tegsün. Tanuq –
(17) tört maxarač täŋrilär; tanuq – yeti äkä baldïz
(18) täŋrimlär yügärüki; tanuq – Íkiči; tanuq – Er Toŋa.
(19) Bu bitigni Čaqasï Boqsaŋ toyïn üskintä
(20) qatïnlarïmqa ayïtïp berdim. Bu tamğa men,
(21) Likäniŋ-ol. Men Qaysïn tu(tuŋ) ayïtïp bitidim.

И з о ҳ л а р:

2-3-қаторларда: *ağïr igkä tegip, ölüp yïtïp barğaymen tep* – бу жумла “оғир дардга чалиниб, ўлиб-йитиб кетсам, ишим чала қолмасин, деган хавотирда” англамида келган.

6-7-қаторларда: *buyan* (*<скр. punya*) – “савоб; эзгу, савобли, ҳайрли иш” (*қаралсин:* ДТС,120): *buyanï tegsün tep* – “савоби тегсин дея” маъносини билдиради.

7-қаторда: *boš bitig* – ҳужжатчиликка тегишли атама, “эркинлик берувчи ҳужжат” маъносида; *boš* – “эркин, озод” дегани.

9-қаторда: *örü tağqa, qudï quumqa barsar – örü tağ* – “юқори тоғ” ҳамда *qudï quum* “қуйи қум” ўзаро қаршилантириш йўли билан бадиий ифода ҳосил қилинмоқда; “юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими” деган маънода, яъни “истаган ерида; ҳамма ерда” англамида келган.

11-, 12-, 20-қаторларда: *qatïn* – “қуйидаги”; *qatïnlarïm* – “мендан кейингилар; бола-чақам, уруғим” маъносида.

14-қаторда: *yastuq* – олтин ё кумуш ўлчов бирлиги (*қаралсин:* ДТС,245); *bir altun yastuq* - “бир олтин ястуқ бирлигида жарима тўланиши” тушунилади.

16-қаторда: *qïyïn* – “жазо, қийноқ”; *ağïr qïyïnqa tegsün* – оғир жазога тортилсин; оғир жазо берилсин.

21-қаторда: Бошқа нашрларда ҳужжат битувчининг отини *Qaysïn Tu* деб берадилар. Бу ўринда *tu* исм эмас, балки *tutuŋ* нинг қисқартмасидир. *Qaysïn tu(tuŋ)* – ушбу ҳужжатни битган расмий киши. Бунинг исботи учун бошқа ҳужжатларнинг якуний жумласига қаралсин.

Мазмуни:

(1) Товуқ йил учинчи ойининг иккинчи кунида мен
(2) Кўни Қуз оғир касалликка чалиниб, ўлиб-йитиб
(3) қолмайин дея Шингуй тутунг бег,

(4) куёвим Лика билан кенгашиб-сўзлашиб,
(5) Гангсида туғилган Бурхан Қули отли
(6) ўғлонга (қулга), онамга-отамга савоби
(7) тегсин деб, эрклиг ҳужжатини бердим.
(8) Бугундан бошлаб Бурхан Қулининг (эрки ўзида),
(9) юқори тоққа (борадими), қуйи қумга борадими,
(10) ўз кўнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин.
(11) Менинг қарамоғимдагилар, Тириг Элтмишдан бошлаб
(12) уйдаги бола-чақам, менинг туғишганларим-
(13) ким, ҳеч бири даъво қилмасин. Даъво қилсалар, ё
(14) ички хазинага (ўрдага) бир олтин ястуқ, ё
(15) Қучу бегига бир от, шаҳар бегига бир
(16) сигир бериб, оғир жазо юклатилсин. Гувоҳ –
(17) тўрт махарач солиҳ; гувоҳ – етти эгачисингил,
(18) эндиги солиҳалар; гувоҳ – Икичи; гувоҳ – Эр Тўнга.
(19) Бу ҳужжатни Чақси Буқсанг роҳиб қошида
(20) бола-чақамга айтиб бердим (ўқиб эшиттирдим). Бу тамға мен,
(21) Ликаникидир. Мен, Қайсин тутунг айтиб туриб (улар ўз оғзидан айтганлари бўйича) ёздим.

5

Ўтуз ҳамда Тўйинчуғ отли кишиларнинг сўровсиз эр-хотин бўлиб олган қул ва жориялари устидан чиқарган ҳукми. Матн 18 қатор: 15 қатори қоғознинг ўнг юзи, охирги 3 қатори қоғознинг орқа бетига битилган. Хати тартибли. Биринчи бетда уч ерга – 1–2-сатрларнинг бошроғи, 9–10-сатрларнинг ўртаси, 14–15-сатрларнинг охири; кейинги бетда эса сўнгги сатр охирига тўрт бурчакли тамға урилган (*қаралсин:* QUV,336–338,445).

Матн транскрипцияси:
(1) Bars yïl, toquzunč ay, altï otuzqa
(2) biz: Otuznüŋ – Baltur atlïğ temirči
(3) qarabaš; Toyïnčuğnuŋ – Aysïlïğ
(4) atlïğ ewči qarabaš bözči, bu ikägü,
(5) begärläringä ayïtmadïn, er-ewči
(6) bolmïšlar. Kin men – Toyïnčuğ
(7) Otuz bilä ešitip, adïrmadïn
(8) Toyïnčuğnuŋ, ewči qarabašnïŋ
(9) bertin Toyïnčuğ-oq alïr-men.
(10) Men – Otuznuŋ, temirči qarabašnïŋ
(11) bertin men, Otuz-oq alïr-men. Men,
(12) Otuz qulumnuŋ nekü ersär, bar
(13) tep, Toyïnčuğqa, ewčikä čam qïlmaz-
(14) men. Men, Toyïnčuğ meniŋ, küŋnüg nekü
(15) ersär, bar tep, Otuzqa, qulqa
(16) čam qïlmaz-men. Tanuq – Qarïq; tanuq – Čawsu;
(17) tanuq – Ötükän Temir. Bu tamğa biz, ikägü-
(18) nüŋ-ol. Men, Muŋul Buqa ayïtïp bitidim.

И з о ҳ л а р:
3-қаторда: *qarabaš* – “қул; хизматкор”; *temirči-qarabaš* – “темирчи-қул”; *ewči qarabaš bözči* – “жория-тўқувчи”.
5–6-қаторларда: *ebči~ewč i* – “хотин” англамида; *er-ewči bol-* “эр-хотин бўлмоқ; турмуш қурмоқ” дегани.
9-, 11-қаторларда: *bert* – қуллардан ундириладиган тўлов, солиқ; товон пули.
13-, 16-қаторларда: *čam* (<*хитой. šam*) – “даъво; тортишув”; *čam qïl-* “тортишмоқ; даъво қилмоқ”.
14-қаторда: *küŋ* – қул-хотин, чўри, жория (рабыня). Эркакларга нисбатан - *qul*, хотин-қизларга нисбатан *küŋ* дейилган.
18-қаторда: ҳужжат охиридаги *Men Muŋul Buqa ayïtïp bitidim* жумласи ҳужжатни расмийлаштирувчи кишининг сўзи бўлиб, “Мен Мунгул Буқа айтиб туриб (улар ўз оғзидан айтганлари бўйича) ёздим” деган мазмунда келган.

Мазмуни:
(1) Барс йил тўққизинчи ойининг йигирма олтинчисида
(2) биз – Ўтузнинг, Балтур отли темирчи
(3) қули, Тўйинчуғнинг Айсилиғ
(4) отли жория тўқувчиси, бу иккови
(5) (биз) бекларига айтмай, эр-хотин
(6) бўлиб олибдилар. Кейин мен, Тўйинчуғ,
(7) Ўтуз билан эшитиб қолиб, (уларни бир-биридан) ажратмай, (шунга келишдик:
(8) мен) Тўйинчуғ (бундан буён) ўз жориямнинг (тўлайдиган)
(9) тўловларини фақат ўзим оламан.
(10) Мен Ўтуз, ўз темирчи қулимнинг (тўлайдиган)
(11) тўловларини фақат ўзим оламан. Мен
(12) Ўтуз, ўз қулимнинг қандай иши бўлса, бор (ўшаларга)
(13) деб, Тўйинчуқ ва унинг жориясига даъво қилмайман.
(14) Мен Тўйинчуқ, ўз жориямнинг қандай иши
(15) бўлса, бор (ўшаларга) деб Ўтуз ва унинг қулига
(16) даъво қилмайман. Гувоҳ – Қариқ; гувоҳ – Чавсу;
(17) гувоҳ – Ўтукан Темир. Бу тамға биз, иккови-миз-
(18) никидир. Мен Мунгул Буқа айтиб туриб (улар ўз оғзидан айтганлари бўйича) ёздим.

Манбалар:

1. ДТС – Древнетюркский словарь. Л., 1969.
2.U **–** Берлин Фанлар академияси фондида сақланаётган ҳужжатлар: Ушбу матнларнинг фотоси “Digitales Turfan-Archiv” номи билан интернет тармоғига жойлаштириб чиқилган www.Turfanforschung.com.
3.Малов 1951 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.–Л., 1951.
4.QUV – Қадимки уйғур езиқидики васиқалар. Нашрга тайёрлағучилар: Муҳамматраҳим Сайит, Исропил Юсуп. Урумчи, 2000 (уйғур тилида).

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
2012 йил 3 сентябрда қабул қилинган